# МАТБУОТИМИЗ ҚАЧОН «ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ» БЎЛАДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Умуман бош муҳаррирларимиз ишининг сифати қандай?

Уларнинг истеъдоди, билими, дунёқараши, касбий малакаси, маданияти, ташкилотчилик қобилияти, умуман савияси бугунги кун талабларига қай даражада муносиб?

Бунга баҳо берадиган бирор мард борми?

Улар бош бўлган катта-кичик жамоалардаги ижодий муҳит, журналистларнинг маҳорат масалаларига қандай эътибор берилаётир?

Афсуски, бу саволларга жавоб топиш мушкул.

Албатта, инсон сифатида бизнинг бош муҳаррирларга гап йўқ: барчаси дилкаш, улфатижон, самимий инсонлар. Самимияти шу даражадаки, ҳатто улардан бири ўзи раҳбар бўлган газетани ўқимаслигини, чунки ўқишга вақти йўқлигини *(аслида ўқиб бўлмаслигини)* чин дилдан эътироф этган эди.

Самимий эътироф гуноҳни енгиллаштиради, аммо бундан шўринг қурғур газетхонга не наф?

Бошқа бир бош муҳарриримиз эса шундай арзи ҳол қилади: «Кўр бўлиб, эртага чиқадиган саҳифаларни *ўқиб* ўтирибман...»

Яна бир ҳурматли бош муҳарриримиз бамисоли эртак -- «бир бор экан, бир йўқ экан». У кишини кундузи чироқ ёқиб ҳам таҳририятдан тополмайсиз. Суриштирсангиз -- ё чет элда, ё презентацияда, ё чойхонада, ё тўйда. Газетани эса корректор билан машинкачи опа амаллаб чиқараверади.

Табиийки, бош муҳаррирлардан ёш муҳаррирлар ибрат олади. Натижа эса ўзингизга маълум.

## «ЛАББАЙ, АКА?»

Шўролар даврида ахборот воситаларига, матбуотга муносабат ниҳоятда жўн ва содда эди, яъни биздан -- ишорат, сиздан -- ижобат.

Бу тузумда матбуот ҳеч қачон ўзининг асл моҳияти ва қиёфасига эга бўлган эмас. У мавжуд тузумнинг хизматчиси, югурдак дастёри, «умумпролетар ишининг мурувватчаси»гина эди, холос. У коммунист тўраларнинг оғзига садоқат билан кўз тикканча «Лаббай, ака?» дея имога маҳтал турар эди.

Унинг асосий вазифаси одамларга фикр тарқатиш эмас, аксинча, «омма»ни фикрсизликда тутиб туришдан иборат эди.

Худога шукур, бугун оёқ-қўлимиздаги кишанлар ечилди. Аммо онгимиздаги исканжалардан, қўрқув занжирларидан халос бўлиш осон кечмаётир. Аксарият газеталарни варақласангиз, телекўрсатувларни кўриб, радиоэшиттиришларни тинглаunion, таҳлил ўрнига тавсиф, шарҳ ўрнига қуруқ гап, фалсафа ўрнига сафсатани учратасиз.

Айрим нашрларда эса ҳамон эски ҳаммом, эски тос: изҳори қуллуқ, қулоч-қулоч баландпарвоз гап, бир чимдим ҳадис, бир чимдим латифа, бир чимдим толенома...

Бугунги мураккаб муаммоларнинг теран, жиддий таҳлили, уларни бартараф этиш таклифлари, баҳсу мунозарага даъват, тишли-тирноқли мақолалар, ихчам, мағзи тўқ информациялар, жанговар руҳ, журналистик текширув усуллари бу нашрларга буткул бегона. Гўё ўтган беш йил мобайнида ҳеч нарса ўзгармагандек, гўё олам гулистондек.

Ҳолбуки, матбуотни лаббайгўй дастёрдан бутун маърифатли дунёга хос «тўртинчи ҳокимият»га айлантириш борасида мамлакатимизда муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президент Ислом Каримов бу масалага доимий ва улкан эътибор бериб, ахборот ходимлари диққатини бу соҳага такрор-такрор қаратаётгани жамоатчиликка яхши маълум

Ўзбекистонда матбуотнинг эркин ривожланиши учун зарур ҳуқуқий ва қонуний замин яратилмоқда. Олий Мажлис сессиясининг кун тартибига ҳам айни масалага бағишланган иккита қонун лойиҳасининг киритилгани бунга далилдир. Бу қонун лойиҳаларининг , бири «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», иккинчиси эса «Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» деб аталади.

Бугунги кунда журналистикамизни ҳар томонлама ривожлантириш, уни халқаро мезонлар, айниқса, илғор Ғарб андозалари даражасида тезкор ва холис фаолият кўрсатишга қодир таъсирчан воситага айлантириш, матбуотда демократик тафаккурни шакллантириш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолди.

Йил ўртасида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ўз фаолиятини бошлади. Жамғарма раҳбарияти билан яқинда ўтказилган учрашув чоғида Ислом Каримов матбуотни фикрий қолоқлик ва касбий уқувсизликдан халос қилиш борасида муҳим таклиф ва тавсияларини баён этди.

Уларнинг энг муҳимларини эслаб ўтайлик:

***-- матбуотнинг эркин демократик ривожи учун қонуний асосларни янада такомиллаштириш;***

***-- ахборот воситалари учун бозор иқтисодиётига монанд шароит ва имтиёзлар яратиб бериш;***

***-- жамиятда ахборотга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш;***

***-- ҳар бир нашрнинг ўз бетакрор қиёфаси, воқеликка ўз нуқтаи назари, фақат шу нашргагина хос ўз талқинини шакллантириш;***

***-- давлат ва жамоат ташкилотларига, тижорий тузилмаларга ахборот сўраб мурожаат қиладиган журналистларни ҳимоя қиладиган кафолатлар тизимини вужудга келтириш;***

***-- матбуотга ахборот беришдан бўйин товлайдиган мансабдор шахсларни қонун йўли билан жавобгарликка тортиш;***

***-- матбуот хабарларининг ҳаққоний ва холислиги учун ахборот тарқатаётган нашр ва журналистнинг қонун олдида жавобгарлигини амалга ошириш.***

Демак, бугун матбуот олдида янги имкониятлар, шу билан бирга янги мажбуриятлар пайдо бўлмоқда.

Бинобарин, бу масъулиятли вазифани бажаришга сафарбар этилган янги жамғармадан жамоатчиликнинг умиди катта. Аммо умид умидлигича қолиб кетмаслиги учун жамғарма тезроқ ўзлигини намоён қилмоғи лозим.

## ҚАЛАМКАШ -- ЖУРНАЛИСТМИ?

Кўпчилик журналистлар ўзларини нима учундир «қаламкаш» деб атайдилар. Хўш, «қаламкашлар»ни ким тарбиялаб етиштиради?

Ҳозирга қадар бу иш билан Тошкент давлат университетининг журналистика факультети шуғулланиб келмоқда. Бу даргоҳда умрини шу соҳага бағишлаган кўплаб ҳурматли домлалар меҳнат қилишади. Уларнинг хизматларини эътироф этган ҳолда, факультетдаги ўқув-тарбия ишлари бугунги куннинг шиддатли суръатларидан анча орқада қолганини ҳам айтиш лозим.

Сир эмаски, журналистика факультетига ўқишга кирадиган ёшларнинг аксарияти ё шоир, ё ёзувчи бўламан, деб ният қилади. Бугун ўзбек адабиётида фаолият кўрсатаётган ёзувчиларнинг кўпчилиги мазкур факультет талабалари эканлиги бежиз эмас. Аммо «ҳолва» деган билан оғиз чучимаганидек, факультетни битириб чиққандан кейин ҳаммага ҳам ёзувчи-шоир бўлиш насиб этавермайди. Кимдир газетага, кимдир радиога, кимдир бошқа жойга ишга кетади. Лекин кўнгилида ҳавас, оғизда ҳолванинг таъми қолгани учунми, айрим «қаламкаш»лар битган мақола ва лавҳаларда чучмаллик, сохта эҳтирос, жимжимадорлик барибир зўрлик қилаверади. Шунинг учун ҳам бундай «қаламкаш» далага маҳаллий ўғит чиқариш ҳақидаги жўнгина хабарни ҳам шеърий оҳангга солиб ўқийди.

***«Биз журналистлар тайёрлашда бирёқламаликка йўл қўйиб келганмиз,*** -- деб таъкидлади Президент матбуот масалаларига бағишланган йиғинларнинг бирида. -- ***Афсуски, бу ҳол ҳануз давом этмоқда. Бизда махсус соҳаларга ихтисослашган журналистлар тайёрлашга мутлақо эътибор берилмаган. Ваҳоланки, замонавий матбуот ривожини бусиз тасаввур этиб бўлмайди. Демак, соҳаларнинг ўзак муаммоларини пухта биладиган, бу ҳақда содда ва лўнда фикр юрита оладиган журналистларни кўплаб тайёрлаш зарур».***

Айнан ихтисослашувнинг йўқлиги сабабли аҳборот воситаларида ишлайдиган ходимларимизнинг кўпчилиги «универсал» бўлиб кетишган. Бундай журналист учун геология ва генекология масаласи ҳам бир; бугун трактор ремонти ҳақида ёзса, эртага опера муаммолари ҳақида қалам тебратади, индинга кимё саноатини «таҳлил» этса, сал ўтиб Россиядаги сайлов натижалари билан шуғулланиб қолади.

Бу ранг-баранг «ижод намуналари»га хос умумий белги -- юзакилик, услубсизлик, сўзбозлик.

Хусусан, тележурналистларимиз... Хусусан, уларнинг «бетакрор ва беқиёс» тили.

Чунки экраннинг асаби йўқ -- ҳамма нарсага чидайди. Чидаганга чиқарган. Чунки «ойнаи жаҳон»да канал кўп. Бу каналдан қувсангиз, нариги каналдан кириб келаверди.

Шуниси қизиқки, халқаро тадбирлардаги матбуот конференцияларида, интервью ва давра суҳбатларида бояги сўзамол журналистларимиз кўпинча оғизга талқон солиб, «пақир киши панада,» деб ўтирадилар. Баъзан кесакдан ўт чиқиб, савол-павол бериб қолгудек бўлсалар, саволнинг жўн ва умумийлигидан шундай нам тортасизки, қанийди, ер ёрилсаю кириб кета қолсангиз...

Бундай нўноқлик, журъатсизликнинг сабаби нимада?

Албатта, бу ҳолнинг сабаблари кўп. Улар кеча ё бугун вужудга келган эмас. Бугун уларни ҳар томонлама ўрганиб, бартараф этиш йўлларини излаш пайти етди.

Хизмат вазифаси матубот ривожига ёрдам беришдан иборат бўлган айрим мутасаддиларнинг бадгумонлик касалига йўлиқиб, ҳар қандай жонли фикр ва ғояларни бир хил қолипга солишга уриниши ҳам матбуот олдидаги жиддий тўсиқдир.

Дунёда барча эзгу ишларни, олижаноб интилишларни барбод этадиган даҳшатли бир хавф бор. бу -- чалалик касаллиги. Бу -- думбуллик балоси.

Чаламуллалик дину диёнатни бузади. Чала мутахассислик дунё ишларини бузади. Чала журналистлик ҳар қандай улуғ ғоянинг ҳам қадрини икки пул қилади.

Афсуски, бугун бизнинг журналистикамиз ана шу касал билан оғриган. Унинг иситмаси баланд, шу боис баъзан алаҳлаб, нима деяётганини ўзи ҳам билмай қолади.

Беморнинг устидан кулиш эмас, унга ёрдам бериш лозим.

## НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Хўш, ахборот ходимларини бугунги кунда журналистика факультети яхшими-ёмонми, ўз имкони доирасида тайёрлаб бериб турибди. Факультетда давр талабларидан келиб чиқиб кейинги йилларда бир қанча ўзгаришлар юз берганини, хусусан, халқаро журналистика бўлими очилганини айтмасак, ноинсофлик қилган бўламиз. Факультет Президент девони ёрдамида хорижий давлатлар, жумладан, Ҳиндистондаги оммавий ахборот воситалари халқаро институти билан яқиндан алоқа ўрнатгани, ҳозирга қадар йигирмадан зиёд талаба мазкур институтнинг беш ойлик ўқув курсларида таҳсил олгани ва бу ҳамкорлик давом этаётганини таъкидлаш лозим.

Айрим матбуот нашрларимиз ҳам чет эл ахборот воситалари фаолияти билан яқиндан танишиш, улардан ўқиб-ўрганиш, тажриба алмашиш борасида озми-кўпми иш қилмоқда. Аммо булар ҳали денгиздан томчи, холос.

Бугун журналистларимиз қайта тайёрлаш, касб малакаси ва умумий савиясини оширишга ниҳоятда муҳтож. Биринчи галда бош муҳаррирларни, таҳририятларнинг етакчи ходимларини жиддий синовдан ўтказиш зарур.

Шу сабабли ўша учрашувда Президент Ислом Каримов **ахборот ходимларини қайта тайёрлаш марказини** ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деган таклифни билдирди. Бу марказнинг асосий вазифаси матбуотимиз тараққиётига тўғаноқ бўлиб турган эски камчиликларни бартараф этишга кўмаклашиш, янги замон талаблари ва илғор халқаро мезонлар даражасида ишлай оладиган юксак савияли ходимларни тайёрлашдан иборат бўлиши лозим.

***«Биз ўтиш даврини бошдан кечирмоқдамиз, -- деди Президент. -- Шу боис марказнинг номига «қайта тайёрлаш» деган сўзни вақтинча ёзиб қўйиш зарур. Савия ва билим жиҳатидан чет эллик ҳамкасбларидан қолишмайдиган, етук фикрли, ёркин истеъдодли, ўз касбига фидокор, юрагида ўти бор журналистларимиз кўпайганидан кейин бу сўзни олиб ташлаймиз, чунки бунга зарурат қолмайди».***

-- Хўш, бундай марказни кимлар ва қай йўсинда ташкил этмоғи керак?

Албатта, бу иш билан биринчи галда Матбуотни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси шуғулланиши лозим. Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳам бу ишга ўз ҳиссасини қўшмоғи керак.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ва юртимиздаги демократия жараёнларини орзиқиб кутаётган халқаро ташкилотларнинг бу борадаги тажрибасидан, ўқув дастурларидан ҳам фойдаланиш ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Биз -- жаҳонни лол қолдирган улуғ зотларнинг зурёдлари эканмиз, халқаро майдонлардаги фикр мусобақаларида бошимизни баланд кўтариб, дўсту нодўстлар билан теппа-тенг баҳсу мунозара юрита олишимиз, бировга ҳақини бермайдиган, ўзи ҳам ўткир, сўзи ҳам ўткир инсонлар бўлишимиз керак.

Бундай инсонларни фақатгина эркин жамият ва эркин матбуот тайёрлай олади.

**К. АҲМЕДОВ,**
**сиёсатшунос.**

Статистика

# ГЎШТ ЕТИШТИРИШНИНГ АСОСИЙ МАНБАИ

### Республикамизда уни нафақат сақлаб қолиш, балки кўпайтириш имкони мавжуд

Маълумки, ҳар куни оддий учрашувларда ўз-ўзидан кўпчиликда кундалик ҳаётимизга тааллуқли саволлар туғилади. Бу, албатта, табиий ҳолдир. Масалан, «Қўшни давлатларда охирги вақтларда қорамол сони кескин камайиб кетибди, бизнинг республикамизда аҳвол қандай?» дегандек...

Тўғри, кундалик ҳаётимизда ноннинг аҳамияти, ўрни бошқача. Лекин гўштнинг ҳам ўз ўрни бор. Шундай экан, гўшт етиштиришнинг асосий манбаи—мол бош сони қандай аҳволда эканлиги кўпчиликни қизиқтиради.

Ушбу масала бўйича аҳволни тўғри билиш ва баҳолаш мақсадида МДҲ мамлакатларидан олинган статистик маълумотларга мурожаат қилдик.

**Йирик шохли қорамоллар бош сонининг ўсиши (млн. бош ҳисобида).**




**Қўй ва эчкилар бош сонининг ўсиши (млн. бош ҳисобида).**




1991 йилнинг 1 январи ва 1996 йилнинг 1 октябри ҳолатига кўра, кўрсаткичларни таққослаганда, Россия ва Қозоғистон давлатларида қорамол бош сонлари мос равишда 18,7 ва 3,7 млн. бошга қўй ва эчкилар 31,2 ва 18,7 млн. бошга, ёки ўртача 33-44 фоизга камайган. Бундай кескин камайиш барча МДҲ мамлакатларида юз бергани ҳолда республикамизда қорамоллар сони 0,9 млн. бошга (20%), қўй ва эчкилар 0,8 млн. бошга (9%) ўсган.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда гўшт манбаини сақлаб қолишга эътибор берилмоқда.

Лекин шу ўринда бир нарсани унутмаслигимиз зарур . Ҳар қандай шароитда ҳам мол сони ўз-ўзидан кўпаймайди. Бу борада олдимизда турган жуда катта ишларни амалга оширишга тўғри келди.

Асосий вазифалардан бири -- бу суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишдир. Яъни фақат озуқа етиштиришга эмас, балки умуман деҳқончиликнинг барча соҳаларига эътиборни кучайтириш лозим. Масалан, пахта етиштиришни оладиган бўлсак, фақат унинг толаси даромад манбаи бўлиб қолмай, балки қайта ишлаш туфайли чигитдан олинадиган кунжара, шелуха ҳам моллар учун асосий тўйимли озуқалардан биридир. Ёки ғалладан қанча кўп ҳосил олинса, қорамол учун шунча миқдорда сомон кўпаяди.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, республикамизнинг кўп вилоятларида беда майдонларидан самарасиз фойдаланиш оқибатида 2 баробаргача кам ҳосил олинмоқда. Агар шуларни эътиборга олиб, ишни тўғри ташкил қилолсак, мавжуд қорамоллар сонини нафақат сақлаб қолиш, балки кўпайтириш учун зарур озуқа базасини яратиш имкони яратилади.

**Ғ. ҚУДРАТОВ,**
**«Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси раиси ўринбосари.**
**Б. ШЕРМАТОВ,**
**шу қўмитанинг агросаноат мажмуи бўлими бошлиғи.**

# ТЕХНИКА ХИЗМАТИ МАРКАЗИ

Наманган шаҳрининг Давлатобод туманида Асакадаги «ЎзДЭУавто» заводида ишлаб чиқарилаётган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш маркази очилди.

Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигида ташкил этилган янги техник хизмат кўрсатиш корхонаси тумандаги эски теххизмат биносида барпо этилди.

Марказда бир вақтнинг ўзида йигирмата автомобилни таъмирлаш мумкин. Бу ерда асосан «ДЭУ» компанияси корхоналарида махсус таълим олиб қайтган малакали мутахассислар хизмат қилади. Келгусида марказда автомобиль эҳтиёт қисмларини сотишни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

*Шу сонга хабар*

# УЧУВЧИЛАРИМИЗ «БОИНГ»НИ МУСТАҚИЛ БОШҚАРИШМОҚДА




***Кеча эрталаб Тошкент аэропортидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «Боинг--767» самолёти Тошкентдан Исроил пойтахти Тел-Авивга парвоз қилди.***

Ўзбекистонлик учувчилар учун бу унутилмас воқеадир, чунки экипаж самолётни америкалик инструкторларсиз мустақил бошқармоқда. 207 йўловчи сиғадиган бу шинам ҳаво кемаси олис масофаларга қатнашга мўлжалланган. Бу ишончли ва тежамли машина Американинг Сиэтл шаҳри самолётсозлари томонидан ясалган. Бу моделдаги дастлабки ҳаво кемаси Тошкентга шу йил 9 ноябрда келтирилган эди. Келгуси йилнинг май ойида яна битта машина келиши кутилмоқда.

Ҳозирги вақтда юқорида тилга олинган «Боинг»дан ташқари миллий авиакомпания олис масофаларга қатнашда «ИЛ--62» ва «А-310» самолётларидан фойдаланмоқда. Республика авиация паркига янги машиналарнинг келтирилиши йўловчиларни ташиш йўналишларини кўпайтиришга имкон беради, давлатимизнинг халқаро алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» яқин келажакда Буюк Британия пойтахти -- Лондонга мунтазам қатновда «Боинг -- 767» самолётларидан фойдаланишни режалаштирмоқда.

**А. ХАЛИФАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Во ажабо!*

# «ХАЛҚ ОВОЗИ»ДА ИШЛАЙСИЗМИ?»

### ёки картошка билан помидорнинг фарқи нимада?

Туман раҳбарларидан бирининг хонасида ҳар биримиз ўзимизча юқори маданиятимизни намоён қилиш учун назокат билан гаплашиб ўтирар эдик. Мезбон пахтагулли чойнакдан чой қуйиб узатади, мен одамнинг акси ойнадагидек кўриниб турган столга доғ тушмасин, деб махсус қирқиб тайёрланган қоғозча устига пиёлани қўйиб, совушини кутаман. Мавзу ҳам анча жиддий: Америкадаги сайлов, Чеченистондаги уруш ва, ниҳоят, БМТнинг янги котиби ким бўлиши ҳақида. Суҳбатдошим янада назокат билан сўз қотади:

-- «Халқ овози»да ишлайман, дедингизми?

Мен бироз ҳижолат чекдим. Бундай газета Ўзбекистонда йўқлигини айтолмайман. Иложсиз, бош ирғаб қўяман.

-- Зўр газета, -- дейди ихлосини яширмай, -- истатияларини қолдирмай ўқиб бораман.

Бировни, айниқса, ҳозиргина ўзаро сийлашиб ўтирган оламингни изза қилиш яхши эмас. Шу андиша билан сукут сақладим-у, бир кулгили манзара кўз олдимга келди: ҳар куни «дадажон»лаб пешвоз чиқадиган ўғлингиз бехос бўйнингизга осилиб: «она, онажон, сизни соғиндим», деб қолса, қандай ҳолга тушардингиз?

Худди шундай ҳурматли раҳбар ҳам картошкачилар билан гаплашганда «Нега ҳосили шохида эмас», деб помидорга қўйиладиган талаб билан ёндошмайди. Бундай ҳоллар эриш туюлади-ю, республиканинг энг кўп нусхали газетаси номини тўғри атамаслик ноқулай эмас? Бу кишининг газета ўқишига шубҳам йўқ, фақат жуда саёз ўқирканлар.

Аслида, ҳозир ҳурматли раҳбар биринчи одамнинг дўпписини иккинчисига, иккинчининг оёқ кийимини биринчисига кийдиргандек иш қилди. «Халқ овози» эмас, «Халқ сўзи» «(Народное слово») газетаси бор. У республика Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг нашри. Худди шунингдек, «Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») газетаси ҳам мавжуд бўлиб, у машҳур «Қизил Ўзбекистон», «Совет Ўзбекистони» газеталарининг ворисидир. Унга республика Халқ демократик партияси муассислик қилмоқда.

Булар оддий маълумотлар, уларни билиб қўйиш фойдадан ҳоли эмас. Ҳеч бўлмаса, суҳбатлашганда ҳижолатпазлик бўлмаслиги учун.

**Ҳаким САТТОРОВ**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# СЎМНИНГ ДОЛЛАРГА АЛМАШУВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу мисоллардан, албатта, ҳар қандай ақли расо киши ўтган икки йил мобайнида республикамизда конвертация ҳажми камайгани эмас, аксинча, 60 фоизгача ўсганини фаҳмлаб олади.

Ёки бўлмаса, «Халқ сўзи» мухбирининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов билан мулоқотидаги (1996 йил 24 декабрь) мана бу кўчирмага диққат қилинг:

«Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасининг обороти муттасил ошиб бормоқда. 1995 йилда унда жами 90 та савдо ўтказилиб, Валюта биржасининг умумий савдо ҳажми 1,245 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. (Бу 1994 йилга нисбатан 14 марта кўпдир). Фақат жорий йилнинг ўтган 11 ойида эса республика Валюта биржасининг обороти 3,1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди».

Бу рақамлар ҳам ҳукуматимиз, хусусан, мамлакатимиз валюта сиёсатини белгиловчи Марказий банк валюта бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга доир ишларни узлуксиз олиб бораётганини кўрсатади.

Сиз, шунингдек, газетамизнинг шу йил 1 ноябрь сонида эълон қилинган Марказий банкнинг ахборотидан хабардорсиз. Бу ахборотда ёзилишича, республикамизда нақд сўмларни эркин муомаладаги валютага айирбошлаб бериш борасидаги ишларни тартибга солиш мақсадида 1996 йил 1 ноябрдан янги тартиб жорий қилинган. Унга мувофиқ, ҳақиқатан ҳам валютага эҳтиёжманд кишилар -- хорижий фуқаролар (МДҲ давлатлари фуқаролари бундан истисно), Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва республика ҳудудида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсларга тиббий ҳамда санаторий-курортларда даволаниш, хизмат сафари, оилавий сабабларга кўра (яқин қариндошлар вафот этганида ёки оғир касалланганида), ҳаж сафарига бориш, иккинчи жаҳон уруши ёки ҳарбий ҳаракатлар фахрийлари кенгашининг таклифига биноан тантаналар ва тадбирларда иштирок этиш учун республикадан ташқарига чиқаётганларида валюта айирбошлаб берилмоқда. Яъни Марказий банк томонидан валюта маблағлари билан таъминланадиган айирбошлаш шохобчаларида шу тоифадаги одамларга (мамлакатимизда улар қанчадан-қанча) валюта сотиб олиш имконияти яратилган. Шу билан бирга, ваколатли банкларнинг марказлаштирилган тартибда валюта билан таъминланмайдиган айирбошлаш шохобчаларида ҳам мазкур банклар сотиб оладиган валюта маблағлари доирасида барча аҳолига чекловсиз миқдорда келишилган курс бўйича валюта айирбошлаш амалга оширилаётир.

Фақат шугина эмас. Фаолияти республикамиз ички бозорининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондиришга йўналтирилган улгуржи савдо ташкилотларига валюта айирбошлаб бериш механизмини тартибга солиш юзасидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ, уларга импорт асосида олиб келинган товарларни сотишдан олинган тушумларни эркин муомаладаги валютага айирбошлаш кафолатланган. Бироқ амалда нима бўлаяпти?

## УСТИ ЯЛТИРОҚ, ИЧИ ҚАЛТИРОҚ ТОВАРЛАР КЕРАК ЭМАС БИЗГА

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бизда четдан мол олиб келиш билан шуғулланадиган 1400 та фирма бор экан. Бу фирмаларнинг олибсотарлари, воситачи ташкилотлари хорижий мамлакатларга, хусусан, араб давлатлари, Покистон ва Туркияга эмин-эркин бориб, шартнома тузади, Ғарб бозорида ўтмаётган нарсаларни бизнинг бозоримизга олиб келади. Биз эса уларнинг маблағини олтин ва пахтамиз эвазига келган эркин валютага алмаштириб -- конвертация қилиб берамиз. Бу маблағ бултур 800 миллион долларни ташкил этган бўлса, шу йилнинг ўзидаёқ 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида ана шундай мол олиб келинганини қандай изоҳлаш мумкин?

Тўғри, бозорлар -- мамлакат иқтисодининг кўзгуси. Аммо юртбошимиз халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек, ғурурли халқ, ўз қадрини билган давлат бозорларининг сифатсиз -- усти ялтироқ, ичи қалтироқ, бошқа жойларда ўтмаётган моллар билан тўлишига йўл қўймайди.

Шу ўринда Президентимизнинг «Новое время» журнали мухбири билан бўлган суҳбатидан яна бир парча келтириш жоиздир. «Мен бундан иккита хулосага келаман, -- деганди И. А. Каримов, -- биринчилан, биз сифатсиз, ўзимизга керакли бўлмаган бегона товар ишлаб чиқарувчиларни иш билан таъминлаяпмиз. Иккинчидан эса мана шу маҳсулотни анчагина яхши тайёрлашга қобилияти бўлган ўзимизнинг корхоналаримизга жуда катта зарар келтираяпмиз».

## 70 ФОИЗИ -- ЗАМОНОВИЙ ТЕХНОЛОГИЯГА

Дарҳақиқат, мазкур жараёнлар мамлакатимиз саноати, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажмининг бироз сусайишига сабаб бўлибгина қолмасдан, республикадан тайёр маҳсулотни экспорт қилиш мутлақо фойдали бўлган ва уни харид қилиш учун эркин айирбошланадиган валюта республика ҳудудига олиб келинадиган шарт-шароитлар ҳамда механизм яратилишини талаб этувчи умумхалқ миқёсидаги муаммоларни ҳам юзага чиқарди. Шуни ҳисобга олиб, аввало, ҳукуматимиз бугунги кунда эҳтиёжимиз учун нима кераг-у, нима керак эмаслигини аниқлаб чиқди. Зарур товарларни олиб келиш билан шуғулланадиган 285 фирмани белгилаб, уларга ўз маблағини инвестициялаш кафолатини берди. Иккинчидан, бундан буён республика Валюта биржасида сотилган жами маблағнинг 70 фоизидан зиёди замонавий технологияни олиб келишга сарфланади. Бунинг нечоғлик аҳамиятга эгалигини, яъни халқ хўжалигининг устувор инвестиция объектларига кредитлар ажратишнинг самарасини қуйидаги далиллардан ҳам билиш мумкин. Асакадаги «ЎзДЭУавто» корхонасининг ишга тушиши туфайли Ўзбекистон жаҳон- даги автомобиль ишлаб чиқарадиган 28та мамлакат сафидан муносиб ўрин олди. Айни чоғда тижорат банкларининг кредитлари ёрдамида Бухоро нефтни қайта ишлаш, Ҳазорасп шакар заводлари жадал суръатларда бунёд этилмоқда. Тошкентдаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи негизида эса АҚШ билан ҳамкорликда «Кейс» комбайнлари, янги замонавий тракторлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона барпо қилинмоқда. Бундай мисоллар кўп. Агар валютамизни енгил-елпи маҳсулотларга эмас, балки шундай қурилишларга ишлатсак, ҳам бозоримиз тўлади, ҳам ҳеч кимга қарам бўлмаймиз. «Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши керак» деганда, биз ана шундай истиқболни назарда тутишимизни ёддан чиқармайлик. Ва, ниҳоят, шу йилнинг 13 декабрида Президентимизнинг «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришни ва уларнинг сармоя билан боғлиқ фаолиятини рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилиндики, бу ҳужжат ҳам шу йўналишдаги ишларни амалга оширишга қаратилгандир. Унда валюта операцияларини ўтказиш учун лицензияга эга бўлган тижорат банкларига ўз маблағлари ва жалб этиладиган кредит ресурслари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларига чет эл валютасида кредит беришга рухсат берилган. Янги йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси орқали марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан ҳукумат кафолати асосидаги инвестиция лойиҳалари ва дастурларини молиялаш учун берилган буюртмаларни қондириш таъминланади.

Табиий савол туғилиши мумкин: «Булар, албатта, яхши. Аммо ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар шароитида олтин ва валюта заҳираларимиз ҳисобидан турли-туман, сифатли-сифатсиз моллар келтириб, бозорларимизни тўлдириб ташласак бўлмайдими?»

Йўқ, бўлмайди. Чунки бу соҳта обрў топишдан ўзга нарса эмас. Бу, юртбошимиз таъкидлаганидек, «келажак авлодлар ризқини қийиш бўлади. Ўзимизда ишлаб чиқариш ривожланмай қолади. Корхоналаримиз инқирозга юз тутиб, ишсизлик кўпаяди. Халқимиз ўзингдан чиққанига не етсин, деб бежиз айтмаган-ку!»

Бизда ишбилармон, тадбиркор одамлар кўп. Гап ана шундай кишиларни топиб, уларни рағбатлантириб, муаммоларини ўз вақтида ҳал этган ҳолда йўлини очиб беришда қолган. Яна бир гап шуки, четдан эркин валютага маҳсулот келтиришдан айрим одамлар манфаатдордир. Шунинг ҳисобидан мўмай даромад олмоқда. Уларнинг жиловини тортиш ҳукуматнинг, жамоатчиликнинг қўлидан келади, албатта.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» нинг иқтисодий масалалар бўйича шарҳловчиси.**

*Футбол*



# КЕЧАГИ ШУҲРАТ БУГУН АСҚОТМАЙДИ

**Футбол бўйича Осиё кубоги якунлари ҳақида баъзи бир мулоҳазалар**

Бугунги кунда Осиё футболининг нуфузи ва эътибори ортиб бораётганлигини мутахассислар эътироф этмоқда. Осиё кубогининг дастлабки мусобақаларида атига 7 жамоа кураш олиб борган бўлса, эндиликда унда 40 та жамоа иштирок этаётганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Бирлашган Араб Амирлигидаги мусобақаларга дунёнинг турли бурчакларидан машҳур футбол мутахассислари, мураббийлар, менежерлар, шарҳловчилар ташриф буюрди. Бошқача қилиб айтганда, декабрь ойида жаҳон футбол мухлисларининг диққат-эътибори Арабистон ярим оролидаги ана шу кўҳликкина гўзал мамлакатга қаратилди. Осиёликларга сирли туюлган ўзбек футболига эътибор, қизиқиш, айниқса, катта бўлди. Чунки мамлакатимиз футболчилари бундан 2 йил аввал Осиё ўйинларининг ғолиби бўлиб, кўпчиликни ҳайратга солган эди. Биз учун эса нафақат футбол ўтказилаётган шаҳарларда, балки мамлакатнинг олис кентларида, жаннатмакон хиёбонларида юртимизнинг муборак байроғи ҳилпираб турганлиги аҳамиятли эдики, бу ҳол дилларимизни ғурур ва қувончга тўлдирди.

Дастлабки учрашувда хитойликлар икки йил аввалги йирик мағлубиятнинг аламини олиш учун майдонга тушганлиги дастлабки дақиқалариданоқ сезилиб турди.

Газетхонлар ўйинни «зангори экран» орқали кўришганлиги учун унинг тафсилотига тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз.

Ўша хитойликлар билан бўлган ғалабадан сўнг Бирлашган Араб Амирлигининг давлат телевидениеси ўзбек футболчилари ғалабасига бағишланган алоҳида кўрсатув намойиш қилди. Кўпчилик футбол мутахассислари иштирок этган салкам икки соатлик бу кўрсатувда юртдошларимизни Араб Амирлигидаги санъаткорлар, ёзувчилар ғалаба билан самимий табриклашди. Ватанимиз байроғи, герби таърифлаб берилди.

Ўша куни араблар ҳақли равишда саҳродаги мўжиза деб атайдиган Аль Айн шаҳридаги тантаналарда мустақиллигимиз дунёга танилаётганлигига, юртбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек «Мамлакатни спортчалик дунёга кенг танитадиган восита» йўқлигига ишонч ҳосил қилдик. Чунки ўзбек футболчиларининг ғалабаси бир зумда бутун мамлакатга ёйилганди. Бизни автомашина ҳайдовчилари, йўловчилар ҳам ғалаба билан муборакбод этишарди.

Афсуски, ана шу қувонч дақиқалар узоққа чўзилмади. Япония билан бўлган иккинчи ўйин биринчи ўйиннинг бутунлай тескариси бўлди.

Гуруҳимиздаги сўнгги ўйинда Ватан тимсоли, юрт манфаати, миллий ғурур нақадар муҳим эканлигини сурияликлар амалда исботлашди.

Юртимиз футболчилари учун эса ана шу аланга, мамлакат шарафи учун курашиш жонкуярлиги деярли етишмагандай туюлди. Чунки футболчиларимиз майдонда оёқларига тош бойлаб олгандай ҳаракат қилишар, бирор ўйинчининг жонкуярлиги мутлақо сезилмасди. Ҳатто дарвозадан иккинчи тўп ўтказиб юборилгандан кейин ҳам ўйинчиларимизнинг бир-икки нафари ҳужум чизиғига ўтиб туришидан гуёки мағлубият ҳисобини ушлаб қолиш муҳимдай туюлар эди.

Момотов, Лебедевнинг куракда турмайдиган сўзлар билан сўкинишлари биз томошабинларни ҳам анча хижолатга солди. Бу жамоада соғлом муҳит йўқлигидан далолат беради, албатта.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, ҳар бир футболчи киндик қони тўкилган, яшаётган юрт номидан майдонга чиқади. Биз миллатчилик фикридан анча йироқмиз, лекин футболчиларимиз ҳаракатида Президентимиз таъкидлаганидек, шу юртни деб ёниб яшаш кераклиги туйғусини мутлақо ҳис қилмадик.

Осиё кубоги мусобақалари ҳақида ҳали кўп фикрлар билдирилади, албатта. Ўзбек футболи эндигина жаҳонга таниляпти. Мен чет эллик спорт журналистларидан бирига Ўзбекистонда футболни ривожлантириш учун икки бора Президент ташаббуси билан қарор қабул қилинганлигини айтганимда, у ҳайратга тушди. Чунки юртимиз ҳозиргача ҳукумат миқёсида футболни ривожлантириш бўйича нуфузли қарор қабул қилган саноқли мамлакатлардан биридир. Футболчиларимиз эса ана шу эътибор ва ҳурматга муносиб бўлишлари керак эди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Тошкент-Аль Айн — Абу Даби-Тошкент**

# ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ўзбек халқининг қадимий байрами -- Наврўзга бағишланган энг сара сценарийлар учун очиқ танлов эълон қилади.**

## ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Муаллифлар ўз сценарийларида Наврўз байрамининг тарихий анъаналари, қадимий халқ ўйинлари, термалари, қўшиқлари ва фольклор-этнографик хусусиятларини ифода этиб, Мустақиллик туфайли республикада рўй бераётган оламшумул ўзгаришларни, янгиликларни ўзига хос бадиий шаклда ифода этмоғи, уларда пойтахтимизнинг байрам ўтказиладиган Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи, майдонлари ва сайлгоҳларини ҳисобга олишлари шарт.

**ТАНЛОВ МУДДАТИ: 1997 йилнинг 20 январигача.**
**Танлов ғолиблари қуйидаги тартибда тақдирланади:**

**1-ўрин -- 45 минг сўм**
**2-ўрин -- 35 минг сўм**
**3-ўрин -- 20 минг сўм**

Бундан ташқари ғолибларни ҳомийларнинг мукофотлари кутади.

Байрам сценарийси бир ярим соатга мўлжалланиши ва машинкада 3 нусхада кўчирилган бўлиб, 20--30 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Муаллиф ўз сценарийсини саҳналаштиришга ҳамфикр режиссёрни тавсия қилиш ҳуқуқига эга.

Танловга бир ёки бир неча муаллиф ҳамфикрликда қатнашишлари мумкин. Сценарий қўлёзмалари таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

***Сценарийлар қуйидаги манзилга йўлланади:***
***Тошкент ш., Навоий кўчаси-30.***
***Маданият ишлари вазирлиги***
***«Наврўз» танловига.***
***Тел: 44-63-63, 44-63-73.***

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«Ўзбекенгилсаноат» ассоциацияси 1996 йил 25 декабрдан 31 декабргача ипли ва шойи газмоллар, тикувчилик ва трикотаж буюмлари ҳамда пойабзалларнинг арзонлаштирилган нархлардаги янги йил савдосини уюштиради.**

**Товарлар қуйидаги манзилларда сотилади:**

Тошкент шаҳрида -- «Қизил тонг» акционерлик жамияти: МУД ва «Қизил тонг»нинг «Космонавтлар шоҳ кўчаси» (метронинг Ойбек бекати)даги фирма дўкони, «Юлдуз» акционерлик жамияти: Амир Темур кўчаси, 60; «Тошкент тўқимачилик комбинати» акционерлик жамияти: Қушбеги кўчаси, 6-уйдаги «Тўқимачи» фирма магазини; «Оқ олтин» акционерлик жамияти: Навоий кўчасидаги савдо қаторлари; Тошкентдаги 1-пойабзал акционерлик жамияти: «Наргиза» дўкони (Бобур кўчаси, 6).

Чирчиқ шаҳрида -- «Ғунча» акционерлик жамияти: Охунбобоев кўчаси, 6-уйдаги фирма дўкони, «Бахт» акционерлик жамияти: Обувшик кўчаси, 1-уйдаги фирма дўкони.

Бухоро шаҳрида -- «Бухоротекс» акционерлик жамияти: Жубор кўчаси, 162-уйдаги фирма дўкони; «Нақшбандий» акционерлик жамияти: Номозгоҳ кўчаси, 112-уйдаги «Бухоро» фирма дўкони ва Навоий шаҳридаги шаҳар бозори.

Андижон шаҳрида -- «Чинор» акционерлик жамияти: Фитрат кўчаси, 256-уйдаги фирма дўкони; Бобур номидаги ПХБО: Бобур шоҳ кўчаси, 73-уйдаги фирма дўкони.

Қарши шаҳрида -- «Санам» акционерлик жамияти: «Либос» фирма дўкони.

Наманган шаҳрида -- «Наманган шойи ишлаб чиқариш» акционерлик жамияти: 1-микрорайон, Охунбобоев кўчаси, 96а-уйдаги фирма дўкони; «Атлас» акционерлик жамияти: Бобуршоҳ кўчаси, 58-уйдаги фирма дўкони ва «Чорсу» бозори.

Қўқон шаҳрида -- «Мадина» акционерлик жамияти: Қипчоқ арик кўчаси, 98-уй ва Шоҳруҳобод кўчаси, 15-уйдаги фирма дўконлари.

Самарқанд шаҳрида -- «8 Март» акционерлик жамияти: Навоий кўчаси, 25-уйдаги фирма дўкони.

Янгийўл шаҳрида -- «Кичкинтой» акционерлик жамияти: Низомий кўчаси, 16-уйдаги фирма дўкони.

Марғилон шаҳрида -- «Хонатлас» акционерлик жамияти: Мустақиллик кўчаси, 119-уй ва Марғилоний кўчаси 1-уйдаги «Азимжон» фирма дўконлари.

**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ТАДБИРКОРЛАР, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ!**

*"Ўзбекистон почтаси" концерни*

*сизларни яқинлашиб келаётган янги 1997 йил билан самимий табриклайди, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва ишларингизда улкан зафарлар тилайди.*

**Республикамиз почта алоқачилари сизнинг байрам олдидан ёру дўстларингизга йўллайдиган табрикномаларингизни Ватанимиз ва дунёнинг исталган нуқтасига қисқа муддатларда етказиб беришга тайёр.**

*Барча алоқа бўлимларида чиройли янги йил открыткалари мавжуд.*

**БИЗ СИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛГАНИМИЗДАН МАМНУНМИЗ!**
**ПОЧТА ХИЗМАТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!**

"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" КОНЦЕРНИ.

# «ВЕНУС АМЕРИКЭН» ЛТД

**ЎЗБЕКИСТОН-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ**

*Барча ўзбек халқини кириб келаётган Янги йил билан чин қалбдан муборакбод этишдан мамнундир.*

ЯРАТГАНДАН ЯНГИ ЙИЛДА ЎЗИНИНГ, ОИЛАСИНИНГ, ДЎСТ–БИРОДОРЛАРИНИНГ БАХТИНИ, ЭЛ-ЮРТ ТИНЧ ВА ОМОН БЎЛИШИНИ ТИЛАЙДИ. КЕЛАЁТГАН 1997 ЙИЛ ШУ МУБОРАК ЗАМИНДА ЯШАЁТГАН ҲАР БИР ИНСОН УЧУН ЯНАДА ЮКСАЛИШ ЙИЛИ БЎЛСИН.

БАРЧАНГИЗГА ТИНЧЛИК-ОМОНЛИК, ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ ИШЛАРИНГИЗГА РАВНАҚ ТИЛАЙМИЗ. БАХТ-САОДАТ ВА ТОЛЕ ҲАМИША СИЗЛАРГА ЁР БЎЛСИН!

**"ВЕНУС АМЕРИКЭН" ЛТД**
ЎЗБЕКИСТОН-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ЖАМОАСИ НОМИДАН
**БОШ ДИРЕКТОР МУҲАММАД АЛИ СУРХАБИ.**



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*
*Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов.
Навбатчи — Ғ. Юсупов.
Мусаҳҳиҳ — Б. Ҳасанов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0711 35460 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 12.30 1 2 3 4 5 6